

«Ал-Ваъй» кутубхонаси

ЎЎЛИМ

Бухоро вилояти наشريёти

ЎЛИМ

К.Ш.

Сахрни эслатар қуёш чиқиши,
Менга эслатади унинг ботиши.
Агар атрофимда мени юпатиб,
Биродарларини қўмсаб эслатиб,
Йиғлаб турувчилар кўп бўлмаганда,
Ўзни ўлдирардим тиғ уриб танга.

Абу Ҳассон Сахрдан айрилган куним,
Барча ўйин-кулги, улфатни қўйдим.
Менинг бор қайғуғийим Сахр учундир,
Онамнинг ҳасрати яна узундир.
Энди у лаҳадда тонг оттирарми?
Яна ўшал жойда тунни кутарми?

Бу мисралар билан Хансо ўз акаси Сахрга марсия ўқиган ва йиғлаган эди. У шундай йиғладики, ҳатто кўзлари нурсизланиб кўр бўлиб қолди. У акасининг ўлиmidан эсанкираб умидсизликка тушиб, ўлимни қарғиш ва лаънат билан тилга оларди. Хансо ўлим ҳақида шундай совуқ ва ёмон тасаввурга эга эди. Шунинг учун ҳам у «ўлим» сўзини эшитиши биланоқ кимдир унинг устидан совуқ сув қуйиб юборгандек сесканиб, яқинларидан маҳрум бўлиш у ёқда турсин, ҳатто шу сўзнинг ўзиёқ унинг нафратини кўзгарди.

Қодисия жангида эса, яъни инсонга даҳшат соладиган ҳамда жанг майдонида ўлим шарпаси кезиб юрган бир пайтда мана шу Хансо тўрт ўғлига қуйидаги сўзларни айтди: «Эй фарзандларим! Сиз динни дунёга алмашмай, Исломни қабул қилдингиз, бу йўлдан қайтмай ҳижрат қилдингиз. Кейин эса қари онангиз билан Форс ўлкасига етиб келдингиз. Сизлар бир эркак ва бир аёлнинг фарзандларисиз. Мен отангизга хиёнат қилмадим. Тоғаларинг юзини ерга қаратмадим. Боринглар, жангнинг аввали-ю охирига қатнашинглар!» Бу жангда унинг тўрттала ўғли ҳам шаҳид бўлди. Унга бу ҳақда хабар беришганда у ўзининг қуйидаги машҳур сўзларини айтди: «Фарзандларимнинг шаҳид бўлганини эшитишни менга насиб этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Мен Аллоҳ таолодан фарзандларим билан бирга мени ҳам ўз раҳматига олишини сўраб илтижо қиламан!»

Жоҳилиятда ўлим ҳақида ёмон тасаввурда бўлган Хансонинг Исломни қабул қилгач бу тушунчасини тубдан ўзгартириб юборган нарса нима? Нахотки, акасининг ўлиmidан тинмай кўз ёш тўкиб кўзлари кўр бўлган бу аёл, эндиликда фарзандларининг ўлиmidан фахрланса?! Ажабо! Яқиндагина яқин кишисининг ўлиmidан эсанкираб, умидсизликка тушган бир аёл ўз ўғилларини

жаннатда кўришдан умидвор бўлса?! Унинг онгини, дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборган нарса нима? Бу қандай ўзгаришки, у инсонни бутун ҳаёти ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурларидан тамоман бошқа ҳаёт ва тасаввурларга ўзгартирди.

Бу – Исломдир. Ислом ақидаси мусулмонни Аллоҳ билан юзлашиш учун ўлимни интизорлик билан кутувчи инсонга айлантирди.

مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَاهَدُوا اللَّهَ عَلَيْهِ فَمِنْهُمْ مَن قَضَىٰ نَحْبَهُ وَمِنْهُمْ مَن يَنْتَظِرُ وَمَا بَدَّلُوا تَبْدِيلًا ﴿٣٣﴾

— “Мўминлар орасида ўзлари Аллоҳга берган у зотнинг йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақидаги аҳду паймонларига содиқ бўлган кишилар бордир. Бас, улардан айримлари ўз аҳдига вафо қилди, яъни шаҳид бўлди, улардан айрим кишилар эса шаҳид бўлишга интизордир. Улар мунофиқларга ўхшаб Аллоҳга берган аҳду паймонларини ўзгартирганлари йўқ” [33:23].

Ҳа, мусулмонлар ичида интизор бўлиб турганлар ҳам, Аллоҳга унинг йўлида шаҳид бўлишга берган аҳдларига вафо қилганлар ҳам бор. Лекин улар ҳали интизор бўлиб туришибди.

Ҳа! Мўминлар орасида ўлимни интизорлик билан кутаётганлар бор. Улар бу дунёда яшайдиган, лекин аслида эса ўз биродарлари билан учрашиш ҳамда Раббиларига юзлашиш учун то ажаллари етгунча ўлимни интизорлик билан кутиб юрган бўладилар. Аллоҳга берган ваъдасига содиқ бўлган, Аллоҳ эса улар ва уларга ўхшаганларни ўз аҳдларини бузмайдиганлар деб таъкидлаган кимсалар ўлимни интизорлик билан кутмасинми? Улар Аллоҳга берган ваъдаларига доимо содиқ қолиб, бу ваъдани бир лаҳза ҳам бузмадилар. Бундайларнинг баъзилари дунёда «кўз юмишган», баъзилари эса яқинлашиб қолган ажалларини интизор бўлиб кутиб юришибди, унга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйишган.

Аллоҳга рўба-рў келишдан бу учрашувга тайёр бўлмаган, ҳозирлик кўрмаган кимсаларгина қочишади.

قُلْ إِنَّ الْمَوْتَ الَّذِي تَفِرُونَ مِنْهُ فَإِنَّهُ مُلَاقِيكُمْ ثُمَّ تُرَدُّونَ إِلَىٰ عَالِمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٦٢﴾

— “Айтинг: “Сизлар қочаётган бу ўлим албатта сизларга йўлиққувчидир. Сўнгра сизлар ғайбу шаҳодатни, яъни барча яширин ва ошкора нарса-амалларни билгувчи Аллоҳга қайтарилурсизлар. Бас, У зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур!” [62:8].

Аллоҳ билан юзма-юз келишига ишонмаган, бу дунёдан кўпроқ

фойдаланиб, иложи борича кўпроқ яшаб қолишни истаётган одам ўлимдан қочади.

حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَحَدَهُمُ الْمَوْتُ قَالَ رَبِّ ارْجِعُونِي ﴿١٠١﴾ لَعَلِّي أَعْمَلُ صَالِحًا فِيمَا تَرَكْتُ كَلَّا إِنَّهَا كَلِمَةٌ هُوَ قَائِلُهَا وَمِنْ وَرَائِهِمْ بَرْزَخٌ إِلَىٰ يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿١٠٢﴾ فَإِذَا نَفَخَ فِي الصُّورِ فَلَا أَنسَابَ بَيْنَهُمْ يَوْمَئِذٍ وَلَا يَتَسَاءَلُونَ ﴿١٠٣﴾ فَمَنْ تَقَلَّتْ مُوَازِينُهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿١٠٤﴾ وَمَنْ حَفَّتْ مُوَازِينُهُ فَأُولَٰئِكَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ فِي جَهَنَّمَ خَالِدُونَ ﴿١٠٥﴾

— «Токи қачон улардан бирига ўлим келганда: “Парвардигор, мени яна ҳаётга қайтаргин. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам”, деб қолур. Йўқ! У асло ҳаётга қайтарилмас. Дарҳақиқат, бу ҳар бир жон бераётган кофир айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган бир тўсиқ бўлур. Бас, қачон сур чалинганида, яъни қиёмат қойим бўлганида, ана у кунда уларнинг ўрталарида ҳеч қандай насл-насаб қолмас ва улар бир-бирлари билан савол-жавоб ҳам қила олмаслар. Энди кимнинг яхшилик мезонлари ёмонлик-гуноҳларидан огир келса, бас, ана ўшалар нажот топгувчидурлар. Кимнинг мезонлари енгил бўлса, яъни ёмонликлари яхши амалларини босиб кетса, бас, ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Улар жаҳаннамда мангу қолгувчидирлар» [23:99-103].

Ёки Аллоҳни ва Охират кунини жуда кам эсга оладиган ва бу ўткинчи дунё билан овора бўлиб, охиратини унутган мўмин киши ўлимдан қочади. У тўсатдан келган ўлимдан эсанкираб, ҳасрат-надомат қила бошлайди:

وَلَيْسَتِ التَّوْبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ حَتَّىٰ إِذَا حَضَرَ أَحَدَهُمُ الْمَوْتُ قَالَ إِنِّي تُبْتُ الْآنَ وَلَا الَّذِينَ يُمُوتُونَ وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَٰئِكَ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٠٦﴾

— «На гуноҳ ишларни мудом қилиб юриб, қачонки, бировларига ўлим келганида “энди тавба қилдим” дейдиган ва на кофир ҳолда ўлиб кетадиган кимсаларнинг тавбалари қабул қилинмас. Улар учун аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз» [4:18].

Ривоят қилишларича, Абдулмалик ибн Марвоннинг ўлим соати яқинлашган вақтда Дамашқ яқинидаги кир ювувчига кўзи тушди. Кир ювувчи кўйлакни қўли билан ишқалаб, тоғорадаги сувга чайиб оларди. Шунда Абдулмалик деди: «Қани энди мен ҳам кир ювувчи бўлсаму, пешона терим билан топган кундалик пулим билан кун кўрсам-у, дунё ҳукмронлигига алоқадор ҳеч бир ишда ишламасам». Бу гап Абу Ҳозимга етиб борганда у деди: «Уларни ўлим яқинлашганда бизнинг ҳолатимизга ҳавас қиладиган, бизга

ўлим яқинлашганда эса уларнинг ҳолатини орзу қилмайдиган қилиб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».

Азиз биродарлар!

Ўлимнинг сабаби ажалнинг тугаши деб иймон келтиришнинг ажралмас бир шarti бор. У ҳар бир лаҳза ва ҳар бир вақтда ўлимни кутиш ва ўлим эшиги бўлган охиратга иймон келтиришга мос тайёргарлик ва ҳозирлик кўришдир. Зеро, охиратда на амал, на жиҳод ва на даъватни ёйиш бор. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Абдуллоҳ ибн Умарга дедилар: «Эрта тонгда турсанг нафсингга кечқурун ҳақида сўйлама, кеч тушганда эса эртанги тонг ҳақида сўйлама. Ҳаётингда ўлимнинг учун тайёргарлик кўр, амал қилишга куч-қудратинг бор соғ пайтда ожиз қоладиган кунинг учун ҳозирлик кўр. Чунки сен, эй Абдуллоҳ, эртага исминг нима бўлишини (яъни эртага ҳам исминг «Абдуллоҳ» бўладими ёки «марҳум Абдуллоҳ» бўладими) билмайсан» (Бухорий ривоят қилган).

Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Нафсини бўйсундирган ва ўлимдан кейинги ҳаёти учун амал қилган одам – зукко одам. Ҳавои нафсига эргашиб, кейин Аллоҳга ҳар хил орзуларни қилган одам ожиздир». Яна бир саҳиҳ ҳадисда айтиладики: «Жаброил (Алайҳиссалом) Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)дан эҳсон ҳақида сўраганида Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) шундай дедилар: «Эҳсон – бу Аллоҳга гўё уни кўриб тургандек ибодат қилиш. Чунки сен уни кўрмаётганинг билан у сени кўриб турибди».

Охиратга ишонмаган одамнинг ўлимга иймон келтиришидан ҳеч қандай наф йўқ. Ўлим – бу охират ҳаётига, абадий ҳаётга, инсоннинг ё жаннатга ёки дўзахга тушиш аниқланадиган ҳаётга элтувчи йўлнинг бошланишидир. Кимки ўлимдан қўрқса ва ўлимнинг сабаби ажалнинг тугаши деб иймон келтирса-ю, лекин нафсини назорат қилмаса, нафсини тергаб турмаса ва ҳар қандай вақтда ҳам охиратга йўл олиш учун тайёргарлик кўришга ундайдиган даражада охиратни тасаввур этмаган бўлса, бу дунёда унинг иймони унга ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Таъсир ўтказса ҳам тезда унутадиган қуруқ пушаймон қилишдан нарига ўтолмайди. Бу пушаймон изидан нафсини тергаб туриш, назорат қилиш содир бўлмайди. Бундай одамга бу тушунчалар эслатилса, ёки эшитса, ёки ўз кўзи билан ҳам, булардан бир пасгина таъсирланиб, яна Аллоҳга осийлик қилиш учун Аллоҳга берган ваъдасини тезроқ унутишга шошилади.

Усмон ибн Аффон (Разияллоҳу анҳу) ҳаётидаги энг охири

хутбасида шундай деган: «Аллоҳ Азза ва Жалла сизларга дунёни фақатгина охиратни талаб қилишларинг учун берди. Аллоҳ сизларга дунёни унга (дунёга) ёпишиб олишингиз учун бермади. Дунё ўткинчи, охират эса боқийдир. Ўткинчи нарса сизларни ғурурлантириб, абадий ҳаётдан чалғитиб қўймасин. Абадий ҳаётни фоний ҳаётдан устун қўйманглар. Чунки дунё ўткинчидир. Ҳаёт йўли охир-оқибат Аллоҳнинг ҳузурига олиб боради».

Ўлим бизларга охиратни эслатади. Бундан-да эслатувчироқ нарса борми? Қандаям яхши эсалатувчидир - бу. Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Ўлимни кўпроқ эсланглар» (Термизий ривоят қилиб ҳасан ҳадис деган). Пайғамбар (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Агар уй ҳайвонлари ўлим ҳақида Одам боласи билганчалик билсалар эди (қўрқувдан семира олмай, озиб кетганларидан) уларнинг бир парча этини ҳам еёлмас эдингиз!» (Байхақий «Аш-Шаъб» китобидан келтирган ҳадис). Ибн Умар (Разияллоҳу анҳу) дейди: «Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг олдиларига ўн киши келдик. Шунда ансорлардан бири деди: «Эй Расулulloҳ! Инсонларнинг энг зуккоси ва энг ҳурматлиси ким?». Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Ўлимни кўпроқ эсга оладиганлар ва унга кўпроқ тайёргарлик кўрадиганлар. Ана шундайлар зукко кишилардир. Улар дунёда ҳам шарафли ҳаёт кечиришди, охиратда ҳам мукаррам инсонлардан бўлишди». (Ибн Можжа қисқа ривоят қилган, Ибн Абу Дунё тўлалигича ривоят қилган. Исноди жайийд).

Умар ибн Абдулъазиз (Разияллоҳу анҳу) хутбаларининг бирида шундай деган: «Албатта ҳар бир сафарга тайёргарлик кўрилиб, керакли нарсалар олинади. Шундай экан бу дунёдан охиратга қилинадиган сафарингиз учун тақвони олиб боринг. Аллоҳнинг олдиндан тайёрлаб қўйган жаннатдаги роҳат-фароғатни ва дўзахдаги азобу уқубатни бу дунёдаёқ ҳис этадиган одамлар каби бўлинглар. Жаннатга интилинглар, азобдан қўрқинглар. Ўлим келадиган муддатни узоқ деб ўйламанг. Акс ҳолда қалбларингиз қотиб, душманларингизнинг ҳийла-найрангларига ҳам алданиб қоласиз. Аллоҳга қасамки, кечқурун ётиб эрта тонгда туриш-турмаслигини билмаган ёки эрта тонгда тургандан кейин кечагача яшаш-яшамаслигини билмаган одам учун орзу ҳавас ҳеч қандай қийматга эга эмас. Чунки эртаю кеч ўлим қўққисдан кутулмаганда келади. Мен ҳам сизлар ҳам дунёдан мағрурланган қанчадан-қанча одамларни кўрганмиз. Фақатгина Аллоҳ таолонинг азобидан нажот топишига ҳужжати бор одамларнинг кўзларигина хотиржам боқади. Фақатгина қиёмат даҳшатларидан омон бўлган одамгина

хурсанд бўлади. Аммо кутилмаган тарафдан яралангандан кейингина ярасини даволайдиган одам қандай хурсанд бўла олсин? Қилган савдоим зарар келтирадиган, айбу нуқсонларим кўрсатиладиган, борар жойим аниқланадиган ҳамда ҳақиқий бой (яъни жаннат аҳли) ва ҳақиқий камбағал (яъни дўзах аҳли) кўриниб қоладиган кундан қўрққаним учун сизларни ўзим қайтмаган нарсадан қайтаришдан Аллоҳ ўзи асрасин! Қиёмат куни тарозилар инсонни қилиб ўтган амалларини ўлчаш учун шай туради, у куннинг қийинлиги ва даҳшатидан юлдузлар ҳам қулайди, у куннинг даҳшатидан тоғлар эриб кетади, у куннинг даҳшатидан Ер ҳам ёрилади-ю, сизларга ўша куни осон бўлади деб ўйлайсизми!?».

Умар ибн Абдулғазиз ҳар куни кечаси фақиҳларни йиғар эди. Улар ўлим, қиёмат ва охират ҳақида суҳбатлашардилар. Кейин эса гўё олдиларида жаноза ҳозир бўлганидек йиғлардилар. Ривоят қилишларича Умар ибн Абдулғазиз ҳузурида ўлим ҳақида гап очилса, қушга ўхшаб сесканиб кетар ва шундай йиғлар эдики, ҳатто кўз ёшлари соқолидан ҳам томчиларди. Бир куни тунда йиғлади. Унга қўшилиб оила аъзолари ҳам йиғлади. Кўз ёшлари тинган хотини Фотима ундан сўради: «Ота-онам сизга фидо бўлсин. Эй Амрал мўминин! Нимага йиғладингиз?» У деди: «Мен Аллоҳ таоло ҳузуридаги одамларнинг борадиган жойларини эсладим. Уларнинг бир гуруҳи жаннатда, бир гуруҳи эса дўзахда». У шундай деб яна йиглаб юборди ва ҳушидан кетди.

Ўлимни эслаш охиратни эслатади. Ўлимнинг ўзи етарли ваъз-насиҳатчидир. У кўп нарсалар ҳақида чуқур фикр юритишга ундайди. Ҳасан (Разияллоҳу анҳу) ўз жонига қасд қилаётган бир одамнинг олдига кириб қолди ва деди: «Бу иш шундай ишки, охиридан кўра аввали, аввалидан кўра охири тарк этишга лойиқроқ».

Кимки ўз охиратини ҳар лаҳзада келиб қолиши мумкин деб тасаввур қилса, у охиратга бор имкониятини ишга солиб тайёргарлик кўриб юриши лозим. Аҳмад ибн Ҳазравийнинг ўлим соати яқинлашиб қолганда ўз ўғлига шундай деган: «Эй ўғилгинам! Мен 95 йилдан бери тақиллатаётган эшик мен учун шу соатларда очилмоқда. Бу эшик бахт билан очиладими ёки бахтсизлик биланми билмайман». Ривоят қилишларича солиҳ кишилардан бири ўлаётган чоғида унинг хотини йиглаб юборди. Шунда у хотинига деди: «Нима учун йиғлаяпсан?» Хотини: «Сенга йиғлаяпман»- деб жавоб берди. У эса: «Агар йиғламоқчи бўлсанг, ўзинг учун йигла, мен шу кун учун қирқ йил давомида йиғладим».

Эй биродар! Агар сен узоқ бир сафарга чиқмоқчи бўлсанг унга

тайёргарлик кўриш ва ҳозирлик кўришни тарк этган бўлур эдингми? Агар шундай бўлса, сен икки ҳолатнинг биридасан, ё бу сафаринг сенга аҳамияти йўқ, сен унга эътибор бермайсан ҳам, уни ҳисобга ҳам олмагансан, ёки сен шунчалик бепарвосанки, сен учун вақтнинг қадр-қиймати йўқ. Ўлим эса шундай сафарки, биз уни келишига ҳеч қандай шак-шубҳасиз ишонамиз - иймон келтирамиз. Кунимиз ўтган сари биз кундан-кунга ўлим деб аталувчи охират сафарига яқинлашиб бормоқдамиз. Ким 30 ёшга тўлган бўлса, у ўлимга 30 йилга яқинлашибди. Кимки 60 ёшга тўлган бўлса, бас, у ҳам ўлимга 60 йилга яқинлашибди ва ҳоказо. Хўш шундай экан қачон жўнашимиз бизга номаълум бўлган бу сафарга қайси биримиз тайёргарлик кўрдик? Бу сафар бизларни қаерга олиб боришини (яъни жаннатга ё дўзахга) билмай туриб ҳам қўл қовуштириб ўтиришимиз тўғрими? Қайси биримиз ҳар бир лаҳзада ҳам у дунёга рихлат қилишга тайёرمىз? Ҳозир... ёки бир оздан кейин... ёки эртага... ёки индинга... Ахир ўлим икки нафас орасида келадику. Сен кунига неча маротаба нафас олиб, нафас чиқарасан. Лекин ҳар гал нафас чиқарганингда нафасинг чиқадими ёки нафасингга қўшилиб жонинг ҳам чиқадими, билмайсан. Аллоҳим, сенга йўлиқадиган кунда ўзинг нажот бер! Нажот бер!

Ўлимни доимо эсда тутадиган инсон ҳар доим ўзини назорат қилади, ўзига ҳисоб бериб юради. Ар-Робий ибн Ҳайсам ўз уйида қабр қазиб қўйган экан. У қалби қотиб бораётганини сезиши биланоқ, дарҳол қабрга тушиб ётар, кейин эса қуйидаги оятни ўқир экан:

رَبِّ ارْجِعُونِ ﴿١١﴾ لَعَلِّي أَعْمَلُ صَالِحًا فِيمَا تَرَكْتُ

— «Парвардигор, мени яна ҳаётга қайтаргин. Шояд, мен қолган умримда ахши амал қилсам» [23:99,100].

Бу оятни бир неча марта такрорлагандан сўнг ўзига-ўзи: «Эй Робий, мана сен бу дунёга қайтдинг. Энди амал қил!»- дер экан.

Ўлими яқинлашган одамни кўрган вақтда йиғлаш, дод солиш ва ўзини маломат қилиш ёки маййит устида туриш ёки қабрларни зиёрат қилишгина ўлимни эслаш эмас, балки мўмин киши ўзининг ҳар лаҳзада раббисига рўба-рў бўлиши мумкинлигини, амал қилолмай қолишини ва тавбанинг ҳам вақти ўтиб қолишини тасаввур қилишидир. Шундагина у нафсига ҳушёр, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида Парвардигорини назарда тутиб, унга итоат қилишга ҳарис бўлади. Анас (Разияллоҳу анҳу) дейди: «Умар ибн Ҳаттоб (Разияллоҳу анҳу)нинг бир бога кирганини кўрдим. Иккимизнинг ўртамизни бир девор тўсиб турган эди. Шунда мен унинг қуйидаги сўзларини эшитдим: «Эй Умар ибн Ҳаттоб – мўминлар амири!»

Воҳ, воҳ! Аллоҳга қасамки, сен Аллоҳдан тақво қиласан, эй ибн Хаттоб, ёки сени Аллоҳ албатта азоблайди!». Абу Бакр Сиддиқ (Разияллоҳу анҳу) шундай деган: «Кимки Аллоҳдан қўрқиб ўз нафсини ёмон қўрса, Аллоҳ ҳам уни ўз ғазабидан асрайди».

Нафсини тийиш ва хато қилмаслик учун уни кузатиб юриш мўмин учун Аллоҳнинг азобидан қутулишнинг ягона йўлидир. Аллоҳ билан юзма-юз келишга қатъий ишониш инсонни сўзсиз итоат қилишга, тайёргарлик кўришга, Аллоҳнинг буйруқларини адо этишга ундайди. У амал қилишдан чарчамайди, ҳолсизланмайди, хуноб бўлмайди. Балки дунёдаги фитналар ва қийинчиликларни енгиб ўтган ҳолда махлуқларнинг ҳузуридаги нарсалардан ўзини тийиб Холиқнинг ҳузуридаги ноз-неъматларни истаган ҳолда Аллоҳнинг йўлидан юради. Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Аллоҳнинг ушбу оятини тиловат қилдилар:

فَمَنْ يُرِدِ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَهُ يَشْرَحْ صَدْرَهُ لِلْإِسْلَامِ

— «Аллоҳ кимни ҳидоят қилишини истаса, унинг қалбини Аллоҳ Исломга очиб-мойил қилиб қўяди» [6:125].

Кейин Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам): «Агар ҳидоят нури қалбга кирса, ўша қалб кенгайди»— дедилар. Шунда: «Эй Расулulloҳ, бунинг аломат—белгиси борми?»— деб сўрашди. У зот: «Ҳа, мағрурликдан воз кечиш ва охиратга йўл олиш ҳамда ўлим етиб келмасидан олдин тайёргарлик кўриш»— дедилар (Ҳоким «Мустадрак» китобида келтирган). Ас-Суддий (Раҳимахуллоҳ):

الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا

— «(Эй инсонлар, Аллоҳ) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир» [67:2]

деган оятни, яъни қайси бирингиз ўлимни кўпроқ эслар экансиз ва ўлимга яхшироқ тайёргарлик кўрар экансиз ҳамда ўлимдан кўпроқ қўрқиб, ундан кўпроқ эҳтиёт бўлар экансиз - деб тафсир қилганлар.

Эй биродар! Нахотки Аллоҳ таоло сенга аввало мусулмон сифатида кейин эса даъватни ёювчи сифатида нималарни буюраётганлигини ўйлаб кўрмаган бўлсанг? Сен ўзингдан бирор марта бўлса ҳам бўйнингдаги ҳақни адо этдингми ёки йўқми, деб сўрадингми? Сен одамларнинг энг ташвишироғи, улар ичида энг масъулроғи, ҳозирги кунда одамлар орасида муҳосаба қилишга энг муҳтожроғи ҳамда Аллоҳнинг сенга буюрган амалларини адо этиш ҳамда сенинг гарданингга юкланган масъулиятлардан бажариш

учун нафсингни бўйсундиришга ҳаммадан ҳам кўра муҳтож эканлигингни нахотки тушуниб етмаган бўлсанг?

Эй биродар! Ўлимни ҳисобга олиб юрган, охиратни эсда тутган, дўзах азобидан қўрқиб йиғлаган ва жаннат неъматларидан умидвор бўлиб амал қилган ҳолда, сендаги ёрқин фикр, аниқ тушунча ва онгли равишда ихлос қилишинг сени ғофил сўфий ёки аҳмоқ дарвеш ёки ҳужраларга беркиниб олиб тинмай йиғлаб, дод соладиган тарки дунё қилувчи кишилардан бўлиб қолишингга йўл қўймаслигини тушуниб етдингми? Сенга бундай бўлиш ярамайди. Сен ўз жонини Аллоҳга топширган даъватни ёювчи, оятни ўқиб ё эшитиб йиғлайдиган ва сиёсий мавқени кўриб ҳис-туйгулари жунбишга келадиган сиёсий йўлбошчи бўл!

Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) одамлар орасида охиратдан энг кўп қўрқадиган ва энг кўп йиғлайдиган инсон бўлганликларини билмайсанми? Бир куни Абу Бакр Сиддиқ Расулуллоҳга: «сочингизга оқ тушибди, эй Расулуллоҳ»– дедилар. Шунда Расулуллоҳ: «Ҳуд ва унинг шериклари, Воқеа, Амма йатасоъалун (Набаъ) ва Изашшамсу куввират (таквир) суралари менинг сочимга оқ тушишига сабаб бўлди»– деган эканлар. Ибн Нажжор Ибн Умардан ривоят қилади: «Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) бир қорининг:

إِنَّ لَدَيْنَا أَنْكَالًا وَجَحِيمًا ﴿١٢﴾

— «Биз оловли кишанлар ва дўзахни ҳозирлаб қўйдик». [73:12] деган оятни ўқиётганини эшитиб қолиб ҳушдан кетдилар». Ибни Умардан яна ривоят қилинадики, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) тиш-тирноғигача қуролланган мусулмонлар билан Маккани фатҳ қилгани кетаётганларида бошлари устида чирқираб учиб кетаётган бир тўрғайни кўриб, йиғлаб юбордилар. Кейин «Ким буни ўз боласидан айириб, қайғуга солди, унга боласини қайтаринглар»– дедилар.

Аллоҳ таолодан ушбу:

أَفَمِنْ هَذَا الْحَدِيثِ تَعْجَبُونَ ﴿١١﴾ وَتَضْحَكُونَ وَلَا تَبْكُونَ ﴿١٢﴾

— «Ҳали сизлар мана шу сўз – Қуръондан ажабланурсизми?! Йиғламасдан, ғофил бўлган ҳолларингизда қулурсизларми?» [53:59,60]

оят нозил бўлганда масжид айвонида ўтирганларнинг кўзларидан дув-дув ёш оқди. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) уларнинг йиғисини эшитиб ўзлари ҳам йиғлаб юбордилар. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) йиғлаганлари учун барча саҳобалар ҳам йиғлай бошлашди. Шунда Набий (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар:

«Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган одам дўзахга кирмайди, гуноҳ-маъсиятдан қайтмаган одам жаннатга кирмайди. Агар гуноҳ қилмай қўйганингизда, Аллоҳ гуноҳ қиладиган қавмни вужудга келтиради ва уларни мағфират қилади» (Байҳақий ривоят қилган).

Сен Умар ибн Хаттоб (Разияллоҳу анҳу)ни билмайсанми? У ҳақни маҳкам ушлашни, қаттиққўллиги ва бақувватлигига қарамай Қуръондан оят эшитганда тиззалари қалтирар, охират ҳақида хабар берувчи оят ўқилганда эса кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Қўлларидаги узукка эса: «Ўлимнинг ўзи етарли ваъз-насиҳатгўйдир, эй Умар» деган сўзлар ёзилган эди.

Сен саҳобалардан бирининг Абу Бакр Сиддиқ ҳақида айтган қуйидаги сўзларини биласанми?: «Агар сен унинг қўшинни жангга қандай тайёрлаётганини кўрганингда эди, уни ҳеч қачон Аллоҳга таваккул қилмайди деб ўйлайсан. Агар уни жангдан олдин нусрат сўраб Аллоҳга кўп дуо қилишини, ёлворишини ва йиғлашини кўрсанг, бу одам ҳеч қандай қурол-яроқ тайёрлаган эмас, деб ўйлайсан».

Аллоҳ таолонинг энг суюкли бандалари ҳақида айтган қуйидаги оятини эшитмаганмисан:

مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءَ بَيْنَهُمْ تَرَاهُمْ رُكَّعًا سُجَّدًا يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا سِيمَاهُمْ فِي وُجُوهِهِمْ مِنْ أَثَرِ السُّجُودِ ذَلِكَ مَثَلُهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَمَثَلُهُمْ فِي الْإِنْجِيلِ كَزَرْعٍ أَخْرَجَ شَطْأَهُ فَآزَرَهُ فَاسْتَغْلَظَ فَاسْتَوَىٰ عَلَىٰ سُوقِهِ يُعْجِبُ الزُّرَّاعَ لِيْعِيْظَ بِهِمُ الْكُفَّارَ وَعَدَّ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ مِنْهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿١١﴾

— «Мухаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган мўминлар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида, мўминлар билан эса раҳм шафқатлидирлар. Уларни мудом Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сужуд қиладиган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юзларида сажда изидан қолган белги-аломатлари бордир. Мана шу (яъни кофирларга қаҳрли бўлиш, мўминларга меҳрубонлик ва кўп намоз ўқиб, рукуъ ва сажда қилиш) уларнинг Тавротдаги мисолларидир. Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса худди шоҳлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз навдасида тик турган, деҳқонларни лол қолдирадиган бир ўсимликка ўхшайди. (Мўминларнинг аввал-бошда заиф-озчилик бўлиб, кейин аста-секин кўпайиб, кучга тўлиб кетишлари Инжилда юқорида зикр қилингандек бир ўсимликка ўхшашлиги) улар сабабли кофирларни хафа қилиш учундир. Аллоҳ мўминлардан иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир» [48:29].

Улар ўз Раббилари билан учрашгунча Исломни барпо қилган ва

Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилган, тунлари ибодатда, кундузлари эса отлиқ аскар бўлган ҳақиқий йўлбошчидирлар. Али ибн Абу Толиб уларни сифатлаб шундай дедилар: «Аллоҳга қасамки, мен Муҳаммад (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг саҳобаларини кўрганман. Бугун эса уларга ўхшайдиган бирон бир кишини кўрмаяпман. Улар сочлари тўзғиган, чанг бўлиб кетган ҳолда тонг оттиришарди. Икки кўзлари ўртаси эчкининг тиззасига ўхшаб қадоқлашиб қоларди. Улар тунни ибодат билан ўтказишарди. Сажда қилганларида ва қаъдада ўтиришгандагина дам олишарди. Қачонки тонг оттирсалар, шамолли кунда тебранган дарахт каби тебраниб, кийимлари ҳўл бўлгудек йиглаб Аллоҳни эшлар эди, гўё кечаси билан ухлаб гофил қолгандек».

Абу Убайда ал-Божий дейди: «Биз Ҳасаннинг олдига кирдик. У ўшанда касал эди ва шу касаллик туфайли оламдан ўтди. Шунда Ҳасан деди: «Хуш келибсизлар, Аллоҳ умрингизни узоқ, тинч ва хотиржам қилсин. Барчамизга жаннат маконларидан насиб этсин. Мен бир гап айтаман, агар дунёда сабр қилсангиз, содиқ ва тақводор бўлсангиз, бу гап сизларнинг бу қулоғингиздан кириб, у қулоғингиздан чиқиб кетмасин. Кимки Муҳаммад (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)ни кўрган бўлса, у зотни гишт териб, қамиш билан том ёпаётганларини (яъни дунёга берилганларини) кўрибди. Лекин у Зотнинг байроқ (ғоя)лари кўтарилди. У Зот бу ғояни амалга ошириш учун энг шимардилар. Тинмай ваҳй келди. Тинмай нажотга чақирдилар. Умрини бир текисда ўтказган, оз овқат ва оз кийим билан кифояланган. Бор бойлигига қаноатланиб, ибодатда тиришган, хатоси учун кўз ёши тўккан, жиноятдан йироқ юрган, раҳмат-мағфиратдан умидда бўлиб, умрини шу ҳолатда ўтказган бандани Аллоҳ ўзи раҳматига олсин». (Ибн Ҳиббон «Ас-Сиқот»да, Абу Наъим «Ал-Хиля»да ривоят қилган).

Эй биродарлар, дунё матоси қанчалик оз, фитналари қанчалик арзимас бўлмасин, мўмин улардан ўзини тия олмаса, уларга берилиб охират амалларидан чалғиб қолади.

اعْلَمُوا أَنَّهَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهْوٌ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌ بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِي الْأَمْوَالِ وَالْأَوْلَادِ كَمَثَلِ غَيْثٍ أَعْجَبَ الْكُفَّارَ نَبَاتُهُ ثُمَّ يَهِيحُ فَتَرَاهُ مُصْفَرًّا ثُمَّ يَكُونُ حُطَامًا وَفِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَمَغْفِرَةٌ مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانٌ وَمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا مَتَاعٌ الْغُرُورِ ﴿٢٠﴾ سَابِقُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا كَعَرْضِ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أُعِدَّتْ لِلَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٢١﴾

— «Билингларики, бу ҳаёти-дунё фақат бир нафаслик уйин-

кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир холос. У худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг ёғиши сабабли униб чиққан ўт-ўлани кофирларни ҳайратга солиб ақлларини банд қилиб қўйди. Сўнгра у қурур, бас, уни сарғайган ҳолда кўрурсиз. Сўнгра у қуруқ чўп бўлиб қолади. (Ҳаёти дунёнинг ҳоли ҳам шундан ўзгача эмас). Охиратда эса ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлари учун қаттиқ азоб ва иймон-эътиқод билан ўтганлар учун Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Ҳаёти дунё эса фақат алдагувчи матодир. Эй инсонлар, Парвардигорингиз томонидан бўладиган мағфиратга ҳамда Аллоҳ ва унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилингиз! Бу (яъни ваъда қилинган мағфират ва жаннат) Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур. Аллоҳ улуг фазлу марҳамат соҳибидир» [57:20-21].

Ўлим мўминга охиратни эслатадиган ҳақиқий ҳамроҳдир. Мўмин ўз охиратини эсда тутар экан, у яхшиликка интилади. У охиратни зикр қилиш ва унга тайёргарлик кўрган ҳолда ҳаёт кечиради. Шунинг учун ҳам Расул (Алайҳиссалом) бизларни ўлимни эсда тутишга ва унга тайёргарлик кўришга, қабрларни зиёрат қилишга, қабр аҳлига салом беришга ундадилар. Чунки улар энг яхши ваъз-насиҳат қилувчи ва эслатгувчидир.

Абу Зарр дейди: Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Қабрларни зиёрат қил, улар сенга охиратни эслатади. Маййитни юв, чунки ўлик жасадни ювиш етарли панд-насиҳатдир. Жаноза намозини ўқи, шояд бу сени қайғуга солса, чунки ғам-қайғу аҳли Аллоҳнинг соясида бўлади» (Ибн Абу Дунё ва Ҳоким «исноди жаййид» билан ривоят қилганлар).

Ибн Абу Мулайка дейди: Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Ўликларни зиёрат қилинг ва уларга салом беринг, чунки уларда сиз учун ибрат бордир» (Ибн Абу Дунё ривоят қилган. Мурсал исноди жаййид).

Ривоят қилишларича Абу Ҳурайра (Разияллоҳу анҳу) жанозани кўрсалар шундай дер эканлар: «Сиз яшаб бўлдингиз, энди навбат бизга». Тобеин аз-Заҳҳок ривоят қилади: Бир киши, эй Расулulloҳ, одамларнинг энг художўйи-зоҳидроғи ким?– деб сўради. Расул (Алайҳиссалом) дедилар: «Кимки қабрни унутмаса, дунё зиёнатидан воз кечса, боқий ҳаётни фонийдан устун кўрса, эртанги кунини ўйламаса ва ўзини аҳлидан деб ҳисобласа, ўша одам энг художўйдир».

Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) бизлар

учун энг яхши намунадирлар. Расул (Алайҳиссалом)нинг асҳоблари биз учун рушду ҳидоят йўлини кўрсатдилар. Биздан олдин ўтган солиҳ кишилар биз учун ибрат ва насиҳатчидирлар. Улар ўлимни эсда тутишда ҳарис эдилар. Ўлимни эслашлари уларни охиратга тайёрлик кўришга ундади. Уларнинг бирортасига ўлим вақти етганда уларни Аллоҳ азобидан даҳшатга тушган ҳолда йиғлаётганларини ва унинг мағфиратидан умидвор эканликларини, Аллоҳдан яхши нарсаларни умид қилаётганларини ва барча тайёргарликларни кўрганликларининг гувоҳи бўласан.

Расулуллоҳ аввало ўлимни қабрдагиларнинг ҳаққига истиғфор айтиш билан кутиб олдилар. Ўшанда Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) касал эдилар ва бу касал туфайли вафот этдилар. Расулуллоҳнинг хизматкорлари Абу Мувайҳибадан ривоят қилинадикки, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ярим тунда мени уйғотдилар ва менга дедилар: «Эй Абу Мувайҳиба, мен Бақиъ аҳлининг ҳаққига истиғфор айтгани буюрилдим. Юр мен билан». Мен у зот билан кетдим. Расул (Алахиссалом) қабрлар орасида тўхтаб шундай дедилар: «Ассалому алайкум, эй қабр эгалари. Сизларнинг бошингизга тушган нарса одамлар бошига тушган нарсадан енгилроқ бўлсин. Фитналар қоронғу тун парчалари каби келди. Бири иккинчисига улашиб кетмоқда. Охират азоби бу дунёдан ёмонроқдир». Кейин менга юзланиб дедилар: «Эй, Абу Мувайҳиба! Менга дунё хазиналарининг калитлари ва дунёда ўлмасдан яшаш имконияти берилди. Кейин эса жаннат берилди. Мен бу дунё билан Раббим билан учрашиш ва жаннат ўртасида ихтиёрлик қилиндим. Мен Раббим билан учрашиш ва жаннатни танладим». Шунда мен: Сизга ота-онам фидо бўлишсин, дунё хазиналарини олинг ва дунёда ўлмай яшашни танланг, кейин эса жаннатни ихтиёр қилинг,– дедим. Расул (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам): «Аллоҳга қасамки, йўқ! Эй Абу Мувайҳиба! Мен Аллоҳ билан учрашишни ва жаннатни танлаб бўлдим»,– дедилар. Кейин эса Бақиъ аҳлига истиғфор айтиб, қайтиб кетдилар. Шундан кейин Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) қаттиқ дардга чалиндилар ва мана шу дарддан вафот этдилар.

Шу дард туфайли оғриқ зўрайганда, оғриқнинг кучлилигидан бошларини ўраб олган Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Фазлга қараб: «Қўлимдан ушла, эй Фазл»,– дедилар. Шунда Фазл Расулуллоҳнинг қўлларидан ушлаб, минбарга олиб бориб ўтқиздилар. Расулуллоҳ Фазлга: «Одамларни чақир», – деб буюрдилар. Одамлар тўпланди. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Аллоҳга ҳамд айтдилар ва Уҳуд жангида

иштирок этган саҳобалар ҳаққига узоқ саловатлар айтиб, Аллоҳдан уларни мағфират қилишини сўрадилар. Сўнг дедилар: «Эй одамлар! Мен ёлғиз ундан ўзга илоҳ бўлмаган Аллоҳга ҳамд айтаман. Дарҳақиқат, менда қолиб кетган ҳақларингизни олиш вақти келди. Кимники орқасига дарра урган бўлсам, орқамга дарра урсин. Кимники ор номусини ҳақоратлаган бўлсам мендан ўчини олсин. Билингизки, менинг табиатимда ҳам, шаънимда ҳам адоват йўқ. Билингизки, мен учун суюклироғингиз мендан ҳаққини олганингиз ёки мендан уни кечиб юборганингиздир. Шунда мен Аллоҳ ҳузурига хотиржам бораман. Ўйлайманки, дунёга такрор-такрор келсам ҳам у менга охиратда асқотмайди». Сўнг Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) минбардан тушиб пешин намозини ўқидилар. Сўнг жойларига қайтиб бордилар ва минбарга ўтириб, адоват ва бошқа нарсалар ҳақидаги сўзларини давом этдилар. Шунда бир киши ўрnidан туриб: Эй Расулуллоҳ мендан уч дирҳам олган эдингиз,- деди. Расулуллоҳ: «Эй Фазл унга бериб юбор»,– дедилар. Сўнг Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) шундай дедилар. «Кимда бировнинг ҳаққи бўлса, дунёда шарманда бўламанми демасдан уни адо этсин. Огоҳ бўлингки, дунё шармандалиги охират шармандалигидан енгилроқдир». Бир киши ўрnidан туриб, эй Расулуллоҳ, Аллоҳнинг йўлига сарфлайман деб уч дирҳам сақлаб юрибман,– деди. Расулуллоҳ айтдилар: «Нега асраб юрибсан». Бояги одам: Унга муҳтож бўлган эдим. Расулуллоҳ дедилар: «Эй Фазл, пулларини ундан ол». Сўнг Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам): «Кимки ўз нафсидаги бирор нарсадан қўрқса келсин, мен унинг ҳаққига дуо қиламан»,– дедилар. Шунда бир киши туриб: Эй Расулуллоҳ мен ёлғончи, оғзим қўпол ва уйқучиман,– деди. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам): «Парвардигоро, унга ростгўйлик ва иймон бер ва хоҳлаганида уйқусини кетказ», – деб дуо қилдилар. Яна бир киши туриб: Эй Расулуллоҳ, мен ёлғончи, мунофиқман. Мен қилмаган бирорта жиноят қолмаган,– деди. Шунда Умар ибн Хаттоб (Разияллоҳу анҳу) ўринларидан туриб: «Эй киши, ўзингни кимлигингни фош этиб, шарманда бўлдинг», – дедилар. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) «Эй ибн Хаттоб, дунё шармандалиги, охират шармандалигидан енгилроқдир»,– дедилар. Сўнг: «Парвардигоро унга ростгўйлик ва иймон бер, ишини ўнгла»,- деб дуо қилдилар.

Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ансорларга нисбатан эзгулик қилишни васият қилиб, дедилар: «Эй муҳожирлар жамоаси! Сизлар кундан кунга қўпаймоқдасиз,

ансорлар эса бугун қанча бўлсалар ўшандай қоладилар. Ансорлар менга бошпана бериб, ўз ҳимоясига олган яқинларимдир. Бу мукаррам зотларга ҳурматда бўлинг, нуқсонларини кечиб юборинг».

Сўнг дедилар: «Аллоҳ бандаларидан бирига икки нарсани таклиф этиб: дунёдаги истаган орзу-ҳавасингни ёки Аллоҳнинг ҳузуридаги неъматни танла деди. Шунда банда Аллоҳ ҳузуридаги неъматни танлади».

Бу гапни эшитган Абу Бакр йиғлаб юбордилар ва дедилар: эй Расулulloҳ, ўзимиз, ота-оналаримиз ва болаларимиз сизга фидо бўлсин. Одамлар Абу Бакрнинг бу кўз ёши ва сўзларини эшитиб таажжубландилар. Ҳатто айримлари деди: бу шайхни кўринглар, Расулulloҳ Аллоҳнинг бир бандаси ҳақида хабар берсалар, у эса: ота-оналаримиз сизга фидо бўлсин демоқда. Расулulloҳ Абу Бакрга айтдилар: «Эй Абу Бакр! Ўзингизни босиб олингиз. Эй Одамлар! Масжиди набавийга қаранг бу эшикларни ёпиб юборингиз, магар Абу Бакрнинг эшиги қолсин. Абу Бакр мендан суҳбат (йўлдош бўлиши) ва мол-дунёсини аямаган одамларнинг қадрдонроғи. Агар одамлар орасида халил-яқин дўст танлаш менга рухсат этилганда эди, албатта Абу Бакрни танлаган бўлур эдим. Лекин Аллоҳ иккимизнинг ўз ҳузурида жамлагунига қадар, иймон сабабли бўлган биродарлик ва ошнолик мавжуд».

Уммул-мўминин Оиша (Разияллоҳу анҳо) айтдилар: «Расулulloҳни жон бераётганларини кўрдим. Олдиларида бир косада сув бор эди. Унга қўлларини тиқиб, сўнг юзларига суртар эдилар ва айтардилар: «Ло илоҳа иллаллоҳ», ўлим талвасаси ҳақ, Аллоҳим уни енгишга ёрдам бер. Сўнгра бармоқларини кўтариб, ар-Рафиқул-аъло, ар-Рафиқул-аъло (Буюк дўст) дея бошладилар. Сўнгра кўзларини шифтга қаратиб дедилар: Аллоҳим, сен Буюк дўстимсан. Шундан кейин қўллари сувга моил бўлган ҳолда жон бердилар».

Абу Бакр Сиддиқ (Разияллоҳу анҳу) ўлим тўшагида ётган чоғларида, Оиша онамиз қуйидаги байтларни айтиб кириб келдилар.

لعمرك ما يغني الثراء عن الفتي إذا حشرت يوما و ضاق بما الصدر

Яъни:

Қасамки бойлик қор қилмас йигитга

Ўлим қийноғидан бағри торайган кунда.

Абу Бакр юзларини очиб дедилар: «Бундай эмас, қизчам, балки:

وَجَاءَتْ سَكْرَةُ الْمَوْتِ بِالْحَقِّ ذَلِكَ مَا كُنْتَ مِنْهُ تَحِيدُ

— «Ўлим талвасаси ҳаққи рост келди, бу ўлим сен ундан қочиб

юрган нарсадир»

[50:19].

деб айтгин. Эгнимдаги бу икки кўйлагимга қарангиз. Мана шу икки кўйлагимни ювиб, менга кафанликка ишлатасизлар. Янги кўйлак керак эмас, янгисига ўликдан кўра тирик муҳтожроқдир». Оиша онамиз (Разияллоҳу анҳо) Абу Бакр жон бераётганларида у кишини мақтаб:

ربيع اليتامي عصمة للأ رامل

وأبيض يستسقى الغمام بوجهه

яъни:

Юзидан булутлар сув сўраган оқ нурли,

Етимлар дўсти, бевалар ғамхўри,

деб байт айтганларида, Абу Бакр дедилар: «Бу Расулulloҳ, улар шундай зот эдилар». Сўнгра Абу Бакр олдиларига саҳобалар кириб келдилар, Абу Бакрда заҳарнинг таъсири борлиги учун ўқиган эдилар, ва Абу Бакрга дедилар: «Табиб чақирайликми? Сизни кўриб қўяди». Абу Бакр дедилар: «Табибим мени кўриб: мен хоҳлаган ишни қиламан,— деди». Шунда Абу Бакрни зиёрат қилиб Салмон Форсий кириб келдилар ва: «Эй Абу Бакр! Бизга насиҳат қилинг»,— дедилар. Абу Бакр дедилар: «Аллоҳ сизларга дунёни фатҳ қилиб беради, ундан фақат ўзларингга етарлисини олинглар, билингки, эй Салмон, ким бомдод намозини ўқиса, у Аллоҳнинг зиммаси - ҳимояси остида бўлади. Бас, Аллоҳнинг зиммасини бузишга журъат қилма-хиёнат қилма. Акс ҳолда Аллоҳ сизларни дўзахга юзингиз билан итариб юборади».

Абу Бакр аҳволлари оғирлашгач Умар ибн Хаттобга одам юбориб чақиртирдилар. Умар (Разияллоҳу анҳу)га буюк насиҳат қилдилар. Абу Бакр дедилар: «Агар қабул қилсангиз, мен сизга бир васият қиламан: Аллоҳ азза ва жалланинг тунда бир ҳаққи бор, уни кундузи қабул қилмайди ва Аллоҳнинг кундузи бир ҳаққи борки, уни тунда қабул қилмайди. Фарз намозлар ўқилмагунча, нафл намозлар қабул бўлмайди. Охират кунида тарозуси оғир келганларнинг тарозуси дунёда фақат ҳаққа эргашганлари сабабли оғир келди. Ҳақ қўйиладиган тарозунинг оғир келиши ҳақ-тўғридир. Охиратда тарозуси енгил келадиганларнинг тарозуси дунёда фақат ботил-пуч нарсага эргашганлари сабабли енгил келди. Ботил қўйиладиган тарозунинг енгил келиши ҳам ҳақ - тўғридир».

Билмайсизмики, Аллоҳ умид оятини қўрқув ояти билан ва қўрқув оятини умид ояти билан нозил қилди. Раҳмат оятини ва азоб оятини зикр қилдики, банда савобдан умидда гуноҳдан қўрқувда бўлсин, токи умидсизликка тушиб ўзини ҳалокатга ташламасин ва токи ноҳақ ҳолда Аллоҳдан орзу-умидлар кутмасин.

Эй Умар! Агар бу васиятимни ёдингизда тутсангиз гоиб (кўринмай турган) нарсалар ичида сизга иложсиз бўлган ўлимдан кўра суюклироғи бўлмас (Яъни ўлим ҳамма нарсадан кўра суюклироқ бўлади). Агар бу васиятимни унутсангиз гоиблар ичида сизга иложсиз ва сиз енголмайдиган ўлимдан кўра суюксизи бўлмас». Жонлари узилмасдан олдин айтган сўнги гаплари шу бўлди: «Павардигоро:

﴿ تَوَفَّنِي مُسْلِمًا وَأَلْحِنِي بِالصَّالِحِينَ ﴾

— «Мени мусулмон ҳолатда ўлим билан юзлантиргин ва солиҳ бандаларинг билан бирга қилгин» [12:101].

Умар ибн Хаттоб вафотларидан тўрт кун олдин бозор айлангани чиқдилар. Йўлда Умар Муғийра ибн Шуъба (Разияллоҳу анҳу)нинг қули Абу Луълуъани учратдилар. Абу Луълуъа кофир эди. Шунда у, эй амирал мўминин, Муғийра ибн Шуъбадан озод бўлишимга ёрдам бер. У менга кўп миқдорда жияя юклаган. Умар сўрадилар: жияянг қанча? У деди: кунига икки дирҳам топширишим керак. Умар сўрадилар: нима ҳунаринг бор? Абу Луълуъа: мен дурадгор, наққош ва темирчиман,— деб айтди. Умар айтдилар: ҳунарларингга қараганда жияянг миқдори кўп эмас. Эшитишимча, агар истасам шамол тегирмонини ясай оламан дермишсан. Луълуъа: ҳа, деди. Умар: Ундай бўлса, менга тегирмон қуриб бер,— дедилар. Шунда кофир Луълуъа: агар соғу саломат бўлсангиз, сизга шундай тегирмон ясаб берайинки, уни шарқу мағрибдагилар гапириб юрадилар,— деб Умар олдидан кетди. Буни эшитган Умар: бу йигит ҳозир мени қўрқитиб кетди,— дедилар».

Сўнгра Умар (Разияллоҳу анҳу) манзилларига йўл олдилар. Эртаси куни олдиларига Каъб Аҳбор келиб, эй амирал мўминин, билиб қўйинки, сиз уч кун ичида ўласиз,— деди. Умар: сен қаердан билдинг?— дедилар. Каъб айтди: Тавротдан билдим. Аллоҳни ўртага қўйиб сўрайман, сен Умар ибн Хаттобни Тавротда кўрдингми?— дедилар Умар. Каъб деди: йўқ, лекин сифатларингиз ва ташқи кўринишингиз таърифини ва ажалингиз битганини кўрдим. Эртаси куни Каъб келиб, эй амирал мўминин, бир кун кетиб, икки кун қолди,— деди. Сўнг кейинги куни келиб, икки кун кетиб, бир кун ва бир кеча қолди,— деди. Мана шу кеча тонгида ҳамма нарса ҳал бўлади,— деди. Тонг бўлгач Умар намоз ўқигани масжидга бордилар. Умар сафларни тўғрилашга одамларни тайинлар эдилар. Сафлар тўғри бўлгач, Умар намозни бошлар эдилар. Намоз бошлангач одамлар орасида турган лаънати Абу Луълуъа қўлида икки томони туғли, дастаси ўртасида бўлган ханжар билан келиб, Умарга олти марта санчди. Киндики остига

тушган зарбадан Умар ўлдилар. Бадбахт Абу Луълуъа дарҳол ташқарига ўзини уриб йўл-йўлакай ханжарни одамларга тиқиб кетди. Зарба еган ўн уч кишидан тўққизтаси вафот этди. Буни кўрган мусулмонлардан бири унинг устига катта бир тўнни ташлади. Бадбахт Абу Луълуъа қўлга тушдим деб ўйлаб ўзини ўзи сўйиб юборди.

Умар (Разияллоҳу анҳу) зарба оғриғидан йиқилдилар ва Абдурраҳмон ибн Авф шу ердами?– деб сўрадилар. Шу ерда, амирал мўминин, мана у,– дедилар. Умар Абдураҳмонга: ўтиб, одамларга намоз ўқиб беринг,– дедилар. Абдурраҳмон намозга ўтиб бердилар, бу вақт эса Умар Абдурраҳмоннинг ёнига ётқизиб қўйилдилар. Умарнинг яқин атрофидагилар рўй берган воқеани кўриб билдилар, аммо масжиднинг бошқа томонидагилар нима бўлганини тушунмадилар. Бироқ улар Умарнинг товуши тўхтаб эшитилмай қолгани сабабли, «Субҳоналлоҳ», «Субҳоналлоҳ»– деб турдилар. Абдурраҳмон ибн Авф енгилгина қилиб намоз ўқиб бердилар. Сўнгра амирул мўминин Умарни кўтариб уйларига олиб бордилар. Умар айтдилар: эй ибн Аббос! Қарагин ким менга суиқасд қилибди. Абдуллоҳ ибн Аббос бир мунча вақт йўқ бўлиб кетиб, сўнгра қайтиб Муғийра ибн Шуъбанинг қули экан,– дедилар. Умар дедилар: Аллоҳ уни ўлдирсин, мен унга нисбатан яхшилик қилишга буюрган эдим. Сўнг: менинг ўлимимни, бир марта бўлса ҳам сажда қилган мусулмон киши қўлида қилмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин, дедилар. Ўша кунни одамлар шундай қайғуга тушган эдиларки, гўё ҳаётларида мусибат кўрмай, энди бошларига биринчи марта тушиб тургандай эди. Кимдир деди: ҳеч қиси йўқ, тузалиб кетадилар. Кимдир: хавотирдаман, ўлиб қолмасалар деб қўрқаман,- дерди. Умарга набиз ичимлигини (хурмо сувини) олиб келдилар. Ичган эдилар қоринларидан аралаш бир суюқлик чиқди. Сўнг сут келтириб ичирдилар, қоринларидан чиқди. Шундан кейин, Умарнинг энди ўлишларини билдилар.

Муҳожиру ансорлар олдиларига видолашиш учун кира бошладилар. Улар орасида Каъб Аҳбор ҳам бор эди. Умар Одил Каъбни кўргач, унинг тунов кунги гапини эслаб қуйидаги шеърни ўқидилар:

ولاشك أن القول ماقال لىكعب

فأوعد نى كعب ثلاثا أعدھا

ولكن حذار الذنب يتبعه الذنب

وما بى حذار الموت إى لميت

Яъни:

Каъб уч кундан кейин ўласиз деб мени қўрқитди. Шак-шубҳа йўқки, Каъб айтган гап тўғри. Бироқ мен ўламан экан деб ўлимдан қўрқаётганим йўқ. Балки мен қатор-қатор бўлиб турган

гуноҳларимдан қўрқмоқдаман.

Кирганлар орасида ёш бир йигит ҳам бор эди. Эй амирал мўминин Аллоҳ томонидан бўлган бир хушxabар билан хурсанд бўлинг. Ўзингиз билганингиз каби, сиз Расулulloҳ (Саллalloҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га саҳобий бўлиш шарафига муяссар бўлдингиз. Илк Исломни қабул қилганлар сафига кирдингиз. Сўнг амирул мўминин бўлиб тайинланиб, адолат қилдингиз, мана энди шаҳидлик ҳам насиб этди. Умар дедилар: Қанийди бу нарса менга етарлик ризқ бўлган бўлса-ю савоби ҳам, гуноҳи ҳам тегмаса. Ҳалиги йигит қайтиб чиқиб кетаётган эди, шалварининг ерга тегиб кетаётганини кўрган Умар: болани менга қайтаринглар, дедилар. Кейин унга: эй биродаримнинг ўгли, кийимингни кўтариброқ кийгин, чунки бу кийиминг учун покроқ, Парвардигоринг учун тақволироқдирсан,— дедилар.

Али ибн Абу Толиб кириб, Умарни кўз ёши қилиб турган ҳолда топдилар. Али (Разияллоҳу анҳу) дедилар: эй амирал мўминин, не сабадан йиғламоқдасиз. Умар дедилар: ўлим хабаридан йиғламоқдаман, билмайман мени жаннатга олиб кетадими ёки дўзахга. Али дедилар: сизга жаннат хушxabари бўлсин, эй Умар. Мен Расулulloҳнинг: жаннат аҳли эрларининг саййиди ва бахтлиси Абу Бакр ва Умар, деганларини эшитганман. Умар дедилар: Эй Али, сиз менга жаннат аҳлидан бўлишимга гувоҳлик бера оласизми? Али: ҳа, сен эй Ҳасан, отангинг Умар жаннат аҳлидан деб Расулulloҳ айтдилар деган гапига гувоҳ бўлгин,— дедилар.

Умарнинг олдиларига Абдуллоҳ ибн Аббос кириб, Умарга: жаннат хушxabари бўлсин сизга, эй амирал мўминин, Расулulloҳга узоқ вақт саҳобий бўлдингиз, мўминлар амири этиб тайинландингиз, Ислом ҳукми кучайди, амонатни тўла адо этдингиз, Аллоҳ сиз орқали янги шаҳарларни барпо этди, мунофиқликка барҳам берди, ризқни кенг ёйди,— дедилар. Умар дедилар: сиз менга жаннат хушxabарини бердингиз. Ҳолбуки, ёлғиз ундан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасамки, жаннатий ёки дўзахий бўлишимни аниқ билмай туриб, олдиндаги даҳшатдан қўрқувим сабабли дунё ва ундаги нарсалар меники бўлганда ҳам, уни шу йўлда фидо қилган бўлур эдим. Амирул мўминин бўлдингиз деган гапингизга келсак, Аллоҳга қасамки, амирликка қайси ҳолд кирган бўлсам шу ҳолатда чиқиб кетишни, яъни савобини ҳам, гуноҳини ҳам олмасдан чиқиб кетишни истардим. Аммо Расулulloҳга саҳобий бўлдингиз деган гапингизга келсак, битта шу нарса бор холос, яъни бор умидим шундан. Сўнг: мени ўтирғизиб қўйинглар, дедилар. Ўтиргач, ибн Аббос (Разияллоҳу

анҳумо)га қараб: эй ибн Аббос, ҳалиги менга айтган гапларингизни қайтаринг, дедилар. Ибн Аббос қайтаргач, Умар сўрадилар Абдуллоҳ Аллоҳ ҳузурида айтган шу гапларингга гувоҳлик бера оласанми? Ибн Аббос: ҳа,— дедилар. Умар бундан жуда хурсанд бўлдилар ва дедилар: «Агар осмонда бир жарчи айтсаки: эй одамлар, барчангиз жаннатга кирасиз, магар биттангиз кирмайсиз,— деса, мен ўша одам бўлиб қолишдан қўрқаман ва айтсаки: эй одамлар барчангиз дўзахга кирасиз, магар биттангиз кирмайсиз,— деса, мен ўша одам бўлишни истардим».

Ўлим соати яқинлашгач Умар (Разияллоҳу анҳу) ўғилларига дедилар: эй ўғлим, вафот этаётган чоғимда, бошимни тўғрилаб қўй, ўнг қўлингни пешонамда, чап қўлингни иягимда ушлаб тур, жоним чиққач, кўзларимни юмиб қўй, ўртacha кафанланглар, агар Аллоҳ ҳузурида яхшилигим бўлса, ундан кўра яхшироғига мени кейинтириб қўяди. Аксинча бўлса, борини ҳам мендан ечиб олади.

Жанозам кетидан биронта аёл бормасин ва менда йўқ фазилатлар билан мени мақтамангиз. Мени Аллоҳ ҳаммадан кўра ўзи яхши билгувчидир. Жанозамни кўтарсангиз, тезроқ юриб борингиз, агар Аллоҳ ҳузурида яхшилигим бўлса, мени ўша яхшиликка тезроқ олиб борган бўласиз, аксинча бўлса, гарданингиздаги ёмонликни тезроқ улоқтириб юборган бўласиз. Сўнгра ўғилларига дедилар: ёноғимни ерга текиз, бошлари ўғилларининг бағрида эди. Ўғиллари Умар (Разияллоҳу анҳу)нинг бошларини пойчаларига туширдилар ва дедилар, эй ота, нима фарқи бор ерда бўладими ёки бағримдами? Умар дедилар: ёноғимни ерга текиз, етим қолгур. Абдуллоҳ ерга қўйдилар. Ёноқлари ва соқоллари ерга теккач, Умар дедилар: эй Умар, агар сени Аллоҳ мағфират қилмаса, ҳолингга вой. Сўнгра жонлари узилди.

Зун-нурайн (икки нур соҳиби) Усмон (Разияллоҳу анҳу) ўлимларидан олдин уйларида қамал қилинганларида рўза оғиз эдилар. Ифтор вақти бўлгач, қамал қилувчилардан чучук сув сўраган эдилар, рад этдилар ва ана ёнингда «ракий» (идиш) турибди, ўшандан ичиб оғзингни очақол. Ракий битларни тутиб, солинадиган идиш. Усмон (Разияллоҳу анҳу) ўша куни ифтор қилмадилар. Аёллари Ноила бинти Қурофаса сув қидириб кетдилар. Ноила одамларни учратиб, улардан кўзачада сув олдилар. Усмон (Разияллоҳу анҳу) олдиларига сув билан қайтиб келганларида бомдодга азон айтилганди. Сизга сув олиб келдим, — деди Ноила. Усмон (Разияллоҳу анҳу) қарадилар, баногоҳ бомдод вақти кирибди. Мен рўза оғиз ҳолда тонг оттирдим,— дедилар. Ноила деди: қаердан овқатландингиз? Биров таом ёки ичимлик

олиб келганини кўрмадим-ку. Усмон дедилар: Расулulloҳни кўрдим. У зот менга тепамдаги шифтдан қараб, эй Усмон сени қамал қилдиларми?– дедилар. Мен: ҳа, дедим. Чанқатдиларми?– дедилар. Мен: ҳа, дедим. Қўлларидаги бир челақ сувни менга узатдилар ва ичгил, эй Усмон, дедилар. Мен тўйгунча ичдим. Сув муздек экан, ҳатто совуғи кўксим ва елкамгача етди. Сўнг Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам): Яна ич! дедилар. Мен чанқоғимни босгунимча ичдим. Сўнг менга дедилар: қавм сенга қарши чиқади, истасанг жанг қил, ғолиб келасан, истасанг уларни ташлаб кел, ҳузуримизда ифтор қиласан. Мен ҳузурларида ифтор қилишни танладим.

Усмон ибн Аффон олдиларига Касир ибн Солт кириб келди. Усмон (Разияллоҳу анҳу) унга дедилар: Эй Касир, бугун қатл қилинаман деб ўйлайман. Касир деди: эй амирал мўминин, Аллоҳ сизни душманингизга қарши ғолиб қилади. Ё сизга бирор иш белгиланиб, мўҳлат берилдими, ёки сизга бирор гап айтилдими? Усмон дедилар: йўқ, лекин мен бу ўтган кечани бедорликда ўтказдим. Саҳар вақти бўлгач, кўзларим бироз уйқуга кетиб қолибди. Шунинг орасида Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)ни, Абу Бакр ва Умар (Разияллоҳу анҳу)ни кўрдим. Расулulloҳ менга: Эй Усмон, бизни куттирмагин, биз сени кутмоқдамиз,– дедилар. Усмон (Разияллоҳу анҳу) ўша куни қатл қилинди.

Усмон (Разияллоҳу анҳу)ни ўлдиришгач, шкафларини титкилаган эдилар, ичида бир мактуб бўлган бир қути топдилар, унда шундай ёзилган эди: «Бу Усмоннинг васияти, Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, Усмон ибн Аффон Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, у ёлғиз шериксизлигига, Муҳаммад унинг бандаси ва элчиси эканига, жаннат ва дўзах ҳақ эканига, Аллоҳ қабрдагиларни қайта тирилтиришга, бу кунга шубҳа йўқлигига, Аллоҳ ваъдасини бузмаслигига гувоҳлик беради. Биз шу шаҳодат (гувоҳлик)-га биноан яшаймиз, ўламиз ва иншоаллоҳ, қайта тириламиз».

Ривоятга кўра Али (Разияллоҳу анҳу) суйиқасд қилинадиган кечаси олдиларига ибн Сиёж кириб, бомдод намозига чақириб кетади. Али (Разияллоҳу анҳу) ўшанда ўзларини қандайдир оғир сезиб, ётган эдилар. Ибни Сиёж иккинчи марта келганларида Али ўша-ўша ётишлари эди. Сўнг учинчи марта келди. Шунда Алий (Разияллоҳу анҳу) юра туриб дедилар:

فإن الموت لاقبيك

شد حيازيمك للموت

فإن حل بناديك

ولا تجزع من الموت

Яъни:

Кўксингни тайёрла ўлим учун,

Ўлим йўлиқар сенга бир кун.

Қўрқиш йўқ ўлимдан асло,

Гарчи кирса пинжингга бир кун.

Али (Разияллоҳу анҳу) кичик эшикка етганларида бирданига Абдурахмон ибн Мулжам ҳамла қилиб, у кишига қаттиқ зарба берди. Али дедилар: Каъбатуллоҳ Парвардигорига қасамки, зафар қозондим. Али (Разияллоҳу анҳу)ни кўтариб олишгач дедилар: қотилимни нима қилдинглар? Ушлаб олдик, дейишди. Шунда таомимдан беринглар, сувимдан ичиринглар, агар тирик қолсам, нима қилишни ўйлаб кўраман, агар ўлсам, битта зарба билан ўлдирилинглар, қийнаб ўтирманглар, дедилар. Сўнгра Ҳасанга ювишни топширдилар ва дедилар: «кафанлашда қимматига кетмангиз, мен Расулulloҳ (Саллalloҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)ни: «кафанлашда қимматига кетмангиз, у тезда ечиб олинади», деб айтганларини эшитганман, ўртача юриб борингиз, агар мени яхшилик кутаётган бўлса, мени унга тезроқ олиб борган бўласиз, агар ёмонлик кутаётган бўлса, мени ўз елкаларингиздан улоқтириб юборган бўласиз».

Муъоз ибн Жабал (Разиллоҳу анҳу)га ўлим соати келгач дедилар: қарангларчи, тонг отибдимикин? Тонг отмапти,– деди кимдир. Тонг вақти киргунча сўрашда давом этдилар. Шунда тонг отди, дейишди. Муъоз (Разияллоҳу анҳу) дедилар: тонги дўзахга олиб борувчи бўлган тундан Аллоҳнинг паноҳини сўрайман. Сўнгра: марҳабо ўлим, марҳабо кўринмайдиган меҳмон, барчага баробар ҳабиб. Аллоҳим, мен сендан қўрқувда бўлдим, бугун эса сен билан учрашиш умидидаман, ўзингга маълум, мен дунё муҳаббати ва анҳорлар қазишу, дарахтлар экиш учун дунёда узоқ қолиш истаги кетидан бормадим. Иссиқ кунларда рўза тутиш, қишнинг кечаларида намоз ўқиш, соатлаб бедорликда умр ўтказиш ва Аллоҳни эслайдиган ҳалқаларда уламолар билан рўбарў ўтириш учун дунёда кўп қолишни истадим, дедилар.

Билол (Разияллоҳу анҳу)га ўлим соати келганда аёллари: Эй воҳ, деб хафа бўлди: Шунда Билол (Разияллоҳу анҳу): ундай дема, балки бу қандай хурсандчилик дегин, чунки эртага дўстларим Муҳаммад (Саллalloҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ва у зотнинг асҳоблари билан учрашамиз,– дедилар.

Ўлим тўшагида етган Оиша (Разияллоҳу анҳо) онамиз олдиларига Абдуллоҳ ибн Аббос кириб, мақтов сўзларини айтдилар: Хушxabар бўлсин сизга, эй Расулulloҳнинг йўлдошлари, сиздан бошқа ҳеч кимни қизлигида ўз никоҳларига

олмадилар, сизнинг поклигингизни осмон исботлади, яъни ваҳй исботлади. Абдуллоҳ кетидан Зубайр ибн Аввом (Разияллоҳу анҳу) кириб келдилар. Унга Оиша онамиз дедилар: Ҳозир мени Абдуллоҳ ибн Аббос мақтаб-мақтаб чиқиб кетди. Ҳолбуки, шу онда бирорта одамдан мақтов сўзларини истамай турибман, қанийди мен ҳеч кимнинг ёдида қолмас бўлиб, унутилиб кетсам эди: Абу Муслим айтадилар: Абу Дардоъ (Разияллоҳу анҳу) олдиларига бордим, қарасам ўзларини ўлимга топшириб: Шу ўлимим учун амал қилган одам борми? Бу куним учун яшаган одам борми? Мана шу онларим учун амал қилган одам борми?— дер эдилар. Шундан кейин жонлари узилди. Аллоҳ раҳмат қилсин. Ўлим соати яқинлашгач Салмон Форсий йиғлай бошладилар. Улардан, нима учун йиғламоқдасиз, деб сўрадилар. Айтдиларки: Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ҳар биримизнинг мол дунёмиз бор-йўғи бир йўловчиникидек бўлишини васият қилган эдилар. Ҳолбуки, менинг олдимда шунча мол-дунё. Айтишларича у кишида ўн дирҳамдан кўпроқ қийматга эга бўлган бор-йўғи битта сават, ликопча ва обдаста бўлган, холос.

Абу Ҳурайра ўлимларидан олдин йиғлаган эканлар. Нима сабабдан йиғламоқдасиз деб сўралганда: «Дунёда яшашни истаб йиғлаётганим йўқ, сафарим узоқлигидан ва ўзим билан олиб кетаётган зоди роҳилам (озиқ-овқат ва ҳоказо) озлигидан йиғламоқдаман. Жаннат ва дўзахга олиб тушадиган тепалик устида турибман, мени бу тепалик қайси бирига олиб тушишини билмай йиғлаяпман»,— деб жавоб берган эканлар (Ибн Саъд Муслим ибн Бишрдан ривоят қилди. Абу Наъим ҳам «Ҳилия»да ривоят қилди).

Ал-Мазний ривоят қилиб айтадилар: Охирги касалликлариди Шофиъий ҳузурларига кирдик ва тонгни қандай оттирдингиз,— деб сўрадим, яъни яхши ётиб турдингизми?— дедим. Айтдилар: Дунёдан кўчадиган, дўстларимдан айриладиган, ёмон амаллар билан юзма-юз учрашадиган, ўлим жомидан татиб кўрадиган ва Аллоҳнинг ҳузурига борадиган бўлиб тонг оттирдим. Билмайман, руҳим жаннатга боргаймики, уни муборакбод этсам ё дўзахга тушгаймики, унга таъзия билдирсам. Сўнгра шер айтдилар:

جعلت الرجا مي بعفوك سلما

ولما قسا قلبي وضاعت مذاهي

بعفوك ري كان عفوك أعظما

تعاطمني نني فلما قرنته

تجود وتعفو منة وتكرما

وما زلت ذا عفو عن الذنب لم تزل

Яъни: Қалбим қотиб, борар йўлимни йўқотиб қўйган чоғимда бор умидимни сенинг афвинга восита қилдим. Мен қилган

гуноҳларим тагида кўмилиб, кўринмай кетдим. Бироқ барча гуноҳларимни сенинг афвингга таққослаганимда, эй Раббим, барибир сенинг афвинг кўп бўлиб чиқди. Мен гуноҳларнигина кечаётган бир пайтда, сен гуноҳларни кечиб бўлиб, фазлу караминг ва раҳматинг ила сахийлик ҳам қилмоқдасан.

Ҳасан ибн Али бетоб бўлиб ётиб қолганларида олдиларига Ҳусайн кириб келди, акаларига: нима нарсадан хавотирдасиз, Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ва Али ибн Абу Толиб олдиларига бормоқдасиз, иккалалари ҳам отангиз. Хадижа бинти Хувайлид ва Фотима бинти Муҳаммад олдиларига бормоқдасиз иккалалари онангиз. Ҳамза ва Жаъфар олдиларига бормоқдасиз, иккалалари амакиларингиз!– дедилар. Ҳасан дедилар: эй укажоним, мисли кўрмаган ишимга кетмоқдаман.

Ривоят қиладиларки, Умар ибн Абдулғазиз бетоб бўлиб ётиб қолганларида табибни чақирдилар. Табиб кўриб бўлгач ўлиб қолишидан хавотирдаман,— деди. Шунда Умар ибн Абдулғазиз нигоҳларини кўтариб: Ўлим заҳар ичмаган одамга ҳам келиб қолишидан хавотирда бўл!– дедилар. Табиб деди: эй амирал мўминин, буни сезиб қолдингизми? Умар: Ҳа,— дедилар, қорнимга етиб боргандаёқ сезган эдим. Табиб деди: Даволанинг, эй амирал мўминин, ўзингизни нобуд қилиб қўясиз. Умар: Раббим ҳузурига борганим яхши, Аллоҳга қасамки, агар дардим шифоси қулоғим юмшоғи ёнидалигини билганимда ҳам қўлимни кўтариб олмаган бўлардим,— дедилар. Ўлим соати келгач йиғладилар. Шунда: не сабабдан йиғламоқдасиз?– деб сўрадилар. Хурсанд бўлмайсизми, ахир Аллоҳ сиз орқали суннатларни тирилтирди, адолатни устун қилди! Яна йиғлаб, дедилар: Бу умматнинг иши ҳақида сўралиш учун ҳисоб-китоб қилинмайманми, ахир? Аллоҳга қасамки, улар қилган одиллигим исботини Аллоҳ ҳузурига келтиролмай қолсаларчи?– деб қўрқмоқдаман. Зое қилган ишларимиз қанча-қанча. Яна кўзлари ёшга тўлди, сўнг: мени ўтиргизиб қўйингиз,— дедилар. Эй Аллоҳ, мен буюрганнингдан дангасалик, қайтарганингдан осийлик қилган ўша бандангман,— деб уч марта такрорладилар. Сўнгра «Ло илоҳа иллаллоҳ» дея бошларини юқорига қаратдилар ва тикилиб назар ташладилар нима қиляпсиз,— деганларида, Умар ибн Абдулғазиз: мен ҳозир нималарнидир кўрмоқдаман, улар на инсонга ва на жинга ўхшарлар,— дедилар ва жон бердилар. Раҳимаҳуллоҳ.

Ҳорун ар-Рошид ҳақида ҳикоя қиладиларки у зот ўлимларидан бир оз олдин ўз қўллари билан кафанларини танлаб олибдилар ва унга қараб дер эканлар:

مَا أَغْنَىٰ عَنِّي مَالِيهٖ ﴿٢٨﴾ هَلَّاكَ عَنِّي سُلْطَانِيَهٗ ﴿٢٩﴾

— «Молу дунёим мени қутқара олмади. Салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди» [69:28-29].

Абдуллоҳ ибн Муборак вафотларидан бироз олдин кўзларини очиб кулибдилар ва дебдилар:

لِمَثَلٍ هَذَا فَلْيَعْمَلِ الْعَامِلُونَ ﴿٣١﴾

— «Амал қилувчилар мана шу мангу бахт-саодат учун амал қилсинлар» [37:61].

Ҳузайфага ўлим келгач дебдилар: «Барчага баробар ҳабиб, хуш келибсиз, ҳасрат надомат қилишдан энди фойда йўқ, Аллоҳим, менга бойликдан кўра фақирлик, сиҳҳатликдан кўра бетоблик ва яшашдан кўра ўлим яхшироқ бўлса, ўлимни менга осон қил, токи жамолингга мушарраф бўлай».

Азиз биродарлар! Мазкур ривоятлар у зотларнинг мавқеларини ва қанчалик ўзларини муҳосаба қилишларини кўрасатиб турибди. Улар Аллоҳ таолонинг синовида яшадилар, Аллоҳнинг йўлида юрдилар, Пайғамбарга эргашдилар, ҳар бир катта ва кичик гуноҳдан чўчиб ўзларини назорат ва муҳосаба қилдилар. Агар биронталарига ўлим келгудек бўлса, Аллоҳдан қаттиқ қўрққанлари ва мағфиратидан кучли умидда бўлганлари учун ўзларини ҳаётларида Аллоҳга итоат қилмаган осий деб ўйладилар. Ҳақиқий мўмин мана шундай суратда бўлмоғи керак: ўзини қузатувчи, муҳосаба қилувчи, умр тугашидан олдин уни жиловлаб, тўғри йўлга солувчи бўлиши керак. Умр ўтгандан кейин ҳасрат ва надомат қилишнинг фойдаси ва қиймати йўқ.

Сизлар, эй даъватни ёювчилар, буюк ишга қўл ургансиз. Одамлар дунё ишларига шўнғиган бир вақтда сизлар охиратингиз учун шўнғидингиз. Ҳаракат қилувчилар оз бўлган бир вақтда сизлар пайғамбарлардан мерос қолган юкларни ўз гарданингизга олдингиз ва Муҳаммад Мустафо (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ва у кишининг дўстларидан ўзга биронта инсон амалга оширолмаган гоёни рўёбга ошириш учун даъватга киришдингиз. Агар саҳобалар Расулуллоҳ билан суҳбатда бўлиш фазилати билан сизлардан ортиқ бўлсаларда, сизлар эса бошқа инсонлардан Аллоҳнинг дини ва рисолатининг сўнггиси бўлмиш Исломи ер юзига қайтариш ҳаракати билан афзал бўлурсиз. Шунда Аллоҳ сизлардан рози бўлади, сизлар эса Пайғамбаримизга эргашган бўлурсиз.

Эй Илом ва даъват йўлида ака-ука бўлган биродарлар, мана бу ишингиздан шод-хуррам бўлингиз ва буюк йўлда юрганингиз, улкан ирода ва мустаҳкам тоғу тошни ҳам талқон қилувчи сабр

матонатингиз сабабли ўзингиз ва бир-бирларингизни тўғри йўлга солувчи бўлинг. Қасамки, даъват омонатдир. Агар биз унга вафо қилсак ва чиройли суратда адо қилсак, албатта Расулulloҳ айтган зотлардан бўламиз: «Қанийди мен Ҳавзи Кавсарга келган чоғларида шароб тўлатилган идишлар билан кутиб олиб, жаннатга киришларидан Ҳавзимдан суғориладиган биродарларимни кўрсам». Саҳобалар сўрадилар: биз ўша биродарларингиз эмасми? Расулulloҳ: Йўқ, – дедилар, балки сизлар асҳобларимсиз. Биродарларим эса мени кўрмай туриб менга иймон келтирадилар. Мен уларга муштоқман,– дедилар.

Ва шояд гуруҳингиз Расулulloҳ хабар берган зотлардан ҳисобланса. Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Эй Ҳузайфа, умматимнинг ҳар бир тоифасида бир гуруҳ жамоат-қавм бўлади. Улар менигина истайдилар ва менгагина эргашадилар. Аллоҳнинг Китобини тиклайдилар. Улар мендан, мен эса уларданман, гарчи мени кўрмаган бўлсалар ҳам». Яна дедилар: Аллоҳ таоло Мусо ибн Имронга ваҳй қилдики Муҳаммад умматида ҳар бир тепалик ва водийда туриб «Ло илоҳа иллаллоҳ» шаҳодатига чақирадиган кишилар бўлур. Уларнинг мукофоти анбиёларникига тенг.

Аллоҳим, ўзингга аён, бу иш – буйруғингга бирдан киришдик, сен билан учрашишни сендан қўрқувимиз учунгина эсладик ва сенинг розилигингни излаб сенга дуолар қилдик. Аллоҳим, бу ишларимизни амаллар ўлчанадиган кунда тарозимизга қўй, бизни сен билан учрашгунимизга қадар динингда ва Ҳабибинг ва Набийинг рисолатига амал қилишда собитқадам қилгин, дунё фитналаридан бизни қутқар, бизга бало юбормагинки, шарманда бўлмайлик, агар юборсанг ҳам бизга сабот бер. Муҳаммадга ва у зотнинг пок бўлган аҳлига, асҳобларига ва қиёматга қадар улар изидан борувчиларга раҳмату саломлар бўлсин □

(«Ал-Ваъй» ойномасининг 126 ва 127-сонларидан таржима қилинди)

